

Тўхтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент

Шайбонийлар сулоласи номи ва Муҳаммад Шайбонийхон исми талқини хусусида

Аннотация. Мазкур мақолада Шайбонийлар сулоласи номи ҳамда унинг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон исмининг келиб чиқиши ва талқини масалалари тарихишунослик ва манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Хоннинг турли тарихий манбаларда учрайдиган бир неча ном шакллари (Шоҳибек, Шойбек, Шайбоқ, Шабон, Шайбоний ва бошқалар) қиёсий ўрганилади, уларнинг этимологияси бўйича мавжуд илмий қарашлар (В.Бартолд, В.Радлов, А.З.Валидий Тўгон, М.Тожибоев ва бошқалар) тизимлаштирилади. Шунингдек, сулолани «Шайбонийлар» ўрнига «Абулхайрхонийлар» деб аташ таклифнинг тарихий асослари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Шайбонийлар сулоласи, Муҳаммад Шайбонийхон, Абулхайрхон, ономастика, этимология, тарихий манбашунослик, Шибон (Сибан).

Аннотация. В данной статье анализируются вопросы происхождения и интерпретации названия династии Шайбанидов и имени её основателя Мухаммада Шайбани-хана с точки зрения историографии и источниковедения. Сопоставляются различные формы имени хана, встречающиеся в исторических источниках (Шахибек, Шайбак, Шабан, Шайбани и др.), систематизируются существующие научные взгляды на его этимологию (В.Бартольд, В.Радлов, А.З.Валиди Тоган, М.Таджибаев и др.). Рассматриваются также основания предложения именовать династию не «Шайбанидами», а «Абулхайрханидами».

Ключевые слова: династия Шайбанидов, Мухаммад Шайбани-хан, Абулхайр-хан, ономастика, этимология, историческое источниковедение, Шибан (Сибан).

Annotation. This article examines the origin and interpretation of the name of the Shaybanid dynasty and its founder, Muhammad Shaybani Khan, from a historiographical and source-studies perspective. It compares the various name forms found in historical sources (Shahibek, Shayboq, Shabon, Shaybani, and others) and systematizes existing scholarly views on their etymology (V. Barthold, V. Radloff, A. Z. Validi Togan, M. Tojiboyev, and others). The article also considers the arguments for referring to the dynasty as the "Abu'l-Khayrids" rather than the "Shaybanids."

Keywords: Shaybanid dynasty, Muhammad Shaybani Khan, Abu'l-Khayr Khan, onomastics, etymology, historical source studies, Shiban (Siban).

КИРИШ

Инсоният тамаддуни тарихида Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида Темурийлар ва улардан сўнг ҳокимиятни қўлга киритган Шайбонийлар (Абулхайрхонийлар) сулолаларининг тутган ўрни бекиёсдир [1]. Ушбу икки сулоланинг фаолиятини холисона, тарихий манбалар ва илмий адабиётлар асосида ўрганиш, уларнинг тарихий жараёнлардаги ўрнига муносиб баҳо бериш ҳамда улардан қолган бой тарихий-маданий меросни асраб-авайлаш ва кадрлаш тарихчилар олдида турган муҳим вазифалардан биридир [2]. Шу билан бирга, совет даврида ҳукмрон бўлган марксча-ленинча методологиядан воз кечиб, ўтмишга яхлит, холис нуқтаи назардан қарашга эришиш замонавий тарих фанининг устувор вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланади [3]. Шу билан бирга, Шайбонийлар (Абулхайрхонийлар) сулоласи тарихи, хусусан, унинг номланиши ва сулола асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон исмининг келиб чиқиши ҳамда талқини масаласида тадқиқотчилар ўртасида ҳанузгача ягона фикр мавжуд эмас. Тарихий манбаларда хон номи ўнлаб турли шаклларда — Шоҳибек, Шойбек, Шайбоқ, Шабон,

- 8 Шайбоний ва бошқа кўринишларда учрайди. Бу ҳолат нафақат транслитерациядаги фарқлар, балки номнинг шаклланишига таъсир кўрсатган тарихий-лисоний омиллар билан ҳам боғлиқдир. Шунингдек, сулоланинг «Шайбонийлар» деб аталишининг ўзи ҳам айрим тадқиқотчилар томонидан қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган илмий масала сифатида илгари сурилмоқда.

Тадқиқотнинг асосий мақсади мавжуд тарихий манбалар ва илмий тадқиқотлар асосида Шайбонийлар сулоласи номи ҳамда Муҳаммад Шайбонийхон исмининг келиб чиқиши ва талқини масаласини тизимли равишда таҳлил қилишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди: Шибон (Сибан) шахси ва унинг авлодлари шажарасини аниқлаш; Абулхайрхон давлатининг ташкил топиши ҳамда сулола асосчилиги масаласини ёритиш; хон исмининг тарихий манбаларда учрайдиган турли шакллари қиёсий ўрганиш; мазкур ном этимологиясига оид илмий қарашларни тизимлаштириш ва уларни қиёсий таҳлил қилиш; сулола номланиши масаласи юзасидан илмий жиҳатдан асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда Муҳаммад Шайбонийхон исмининг тарихий манбаларда учрайдиган асосий шакллари биринчи марта яхлит жадвал кўринишида тизимлаштирилиб, мавжуд олтита этимологик назария далиллик даражасига кўра қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, сулола «Абулхайрхонийлар» деб аташ таклифининг тарихий асослари алоҳида тадқиқ этилган ва ушбу ёндашувнинг илмий асослари кўриб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унинг натижаларидан ономастика, тарихий манбашунослик ва Ўзбекистон тарихи бўйича олий таълим курсларида ўқув-услубий материал сифатида, шунингдек, мазкур мавзу доирасида янги илмий тадқиқотларни амалга оширишда назарий-методологик асос сифатида фойдаланиши мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Шайбонийлар сулоласининг келиб чиқиш тарихини тушуниш учун, аввало, унинг номи билан боғлиқ бўлган Чингизхон авлодидан бири — Шибон (манбаларда Сибан шаклида ҳам учрайди) шахсига тўхталиш зарур. Шибон Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўчихоннинг бешинчи ўғли, Олтин Ўрда асосчиси Ботухоннинг укаси бўлган [4]. У мўғулларнинг ғарбга (Шарқий Европага) қилган юришида кўшин қўмондонларидан бири сифатида иштирок этган. Кўрсатган жасорати эвазига Ботухон томонидан унга Урал тоғининг жанубий этакларидан то Тобол ва Сарисув дарёлари соҳилларигача, жанубда Орол денгизининг шимолий соҳилигача ва шимолда Тюменни ўз ичига олган ҳудуд инъом этилган. Шу тариқа тарихда «Шибон улуси» номи билан машҳур бўлган мулк шаклланди.

Шибон исмининг келиб чиқиши борасида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Ю.А.Зуевнинг фикрича, бу ном қадимги туркий «себек/севен» («севимли», «содиқ») сўзидан бўлиши мумкин, шунингдек унинг тибетча «Цыван» («хаёт эгаси» маъносидаги узоқ умр тилаш маросими номи) сўзи билан боғлиқлиги ҳақидаги қараш ҳам илгари сурилган [5]. Шунингдек, айрим маълумотларга кўра Шибон насроний динини қабул қилиб, «Степан» номи билан ҳам юритилган.

Шибондан бошлаб бир неча авлод ўтгач, унинг наслидан Дашти Қипчоқда XV асрнинг биринчи чорагида ҳукмронлик қилган Абулхайрхон (тав. 1428 — ваф. 1469) етишиб чиқди: шажара тарзида — Чингизхон, Жўчихон, Шибон, Баҳодир, Жўчибуқа, Бодақил, Мунка Темур, Пўлод, Иброҳим ўғлон, Давлат Шайх ўғлон ва ниҳоят Абулхайрхон. Бу сулола вакиллари тарихий адабиётларда кўпинча «улуғ Шибон авлодлари» деб юритилган.

XV асрнинг 30-йилларидан бошлаб қатор ҳудудлар, жумладан Хоразм устидан ҳукмронлик масаласида темурийлар ва дашт ўзбеклари ўртасидаги сиёсий муносабатлар кескинлашди [6]. Ўзбеклар давлати асосчиси Абулхайрхон (1428–1468 йй.) томонидан 1433 ва 1435 йилларда Хоразмга икки марта ҳарбий юриш қилинди. Аммо бир қатор сабаблар

туфайли — айрим манбаларда ўлат (вабо) касаллиги, бошқаларида эса Шохрух Мирзо юборган қўшин кўрсатилади — воҳа дашт ўзбеклари томонидан тарк этилди.

1446 йилда Абулхайрхон Дашти Қипчоқдаги асосий рақиби Мустафоҳон устидан муҳим ғалабага эришди, натижада Сирдарёнинг ўрта оқимидаги Сигноқ, Оққўрғон, Арқуқ, Ўзганд ва Сузоқ шаҳарлари эгалланди, давлат пойтахти эса Турадан (ҳозирги Тюмень — Ғарбий Сибирнинг жануби) Сигноққа кўчирилди. Шу тариқа Абулхайрхон давлати Мовароуннаҳр темурийларининг бевосита қўшниси ва сиёсий жараёнларда фаол иштирокчисига айланди — у темурий шаҳзодаларнинг тахт учун курашларида гоҳ бирини, гоҳ бошқасини қўллаб-қувватлади ҳамда уларга ҳарбий кўмак кўрсатди.

1468/69 йилда Абулхайрхон вафот этгач, у асос солган давлат чуқур инқирозга юз тутди[7]. Унга бўйсуншни истамаган уруғ-қабила бошлиқлари — Ибоқхон, Бурка Султон, Жонибек, Гирайхон, Ёмғурчи, Мусо Мирзо — ҳамда Олтин Ўрда хони Аҳмадхон Дашти Қипчоққа хужум уюштириб, Абулхайрхон авлодларини деярли бутунлай қирғин қилишга киришдилар. Фақат бир нечта шаҳзода — жумладан Кўчқинжихон ва Суюнчихўжахон (Абулхайрхоннинг Мирзо Улуғбек кизи Робия Султонбегимдан бўлган ўғиллари), амакиваччаси Жонибек Султон, жиянлари Махдий Султон ва Ҳамза Султон — омон қолди[8]. Абулхайрхоннинг вориси Шайх Ҳайдархон отаси асос солган давлатни сақлаб қолишга уринди, бироқ муҳолифатнинг кучлилиги сабабли буни уддалай олмай, тахминан 1471/72 йилда ҳалок бўлди.

Айнан шу тарихий жараёнларга асосланиб, айрим тадқиқотчилар сулолани «Шайбонийлар» эмас, балки унинг ҳақиқий сиёсий асосчиси — Абулхайрхон номи билан «Абулхайрхонийлар» деб аташ тарихий жиҳатдан тўғрироқ бўлишини таъкидлайдилар. Бу қарашга кўра, Муҳаммад Шайбонийхон давлатнинг асосчиси эмас, балки уни қайта тиклаган ва Мовароуннаҳрга олиб кирган бобосининг набираси, яъни давомчиси ҳисобланади; «Шайбоний» номи эса унинг шахсий таҳаллуси бўлиб, бутун сулоланинг номи сифатида қўлланиши шартли характерга эга.

Қирғиндан омон қолган Абулхайрхон авлодлари орасида унинг иккита набираси — Шох Будок Султоннинг ўғиллари Муҳаммад Шохибек (Шайбонийхон, 1451–1510) ва Махмуд Султон (1454–1504) алоҳида ўрин тутди. Эрта етим қолган бу шаҳзодаларни Абулхайрхоннинг ўзи тарбиясига олди; уларнинг тарбияси Уйғурбой Шайх ва Дарвиш Ҳусайнга, ҳарбий ҳимояси эса Қорачин Баҳодирга топширилган эди.

Туркий халқларда янги туғилган фарзандга икки исм — бири исломий, иккинчиси туркий — қўйиш одати мавжуд бўлган[9]. Абулхайрхон саройида ҳам шу анъанага риоя қилиниб, хон катта набирасига исломий Муҳаммад ва туркий Шайбон (Шохибек) исмларини қўйган ҳамда унга Шохбахт лақабини берган, кичик набирасига эса Махмуд исми ва Баҳодир лақабини берган[10]. Бу икки исмли номлаш анъанаси темурий шаҳзодалар орасида ҳам кенг тарқалган бўлиб, бунга Мирзо Улуғбек (Муҳаммад — Улуғбек), Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хоразмшоҳ Мангуберди (Муҳаммад — Мангуберди) ва Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (Махмуд — Ўзбек) каби мисолларни келтириш мумкин.

Абулхайрхон набирасига айнан шу исмни танлаши тасодифий эмас эди: у Шибонхоннинг наслидан бўлгани учун ўзига «шайбоний» таҳаллусини олган [11], деб изоҳланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Муҳаммад Шайбонийхон исми турли тарихий манбаларда бир неча ўнлаб шаклда учрайди: Шохбахтхон, Шайбоқхон, Шабон(ий), Шибон, Шибоний, Шайбоқ, Шайбек ва бошқалар. Хусусан, «Таворихи гузида-йи Нусратнома»да Муҳаммад Шохибекхон (Шайбонийхон), Муҳаммад ибн Валийнинг «Баҳр ул-асрор» асарида Шохбахтхон, Абдуллоҳ Насруллоҳийнинг «Зубдат ул-осор» асарида Шойбек ва Шохбахтхон шакллари қўлланган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да, Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома»да ва Гулбаданбегим «Ҳумоюннома»да [12] уни «Шайбоқхон» деб атайдилар. Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон эса ўз асарида гоҳида «Шабон», гоҳида «Шайбон»

10 шаклини қўллаган [13]; Сафавий ва Усмонли муаллифлари (Искандар Мунший, Мунажжимбоши) эса «Шайбек» шаклидан фойдаланганлар. Мулла Шодийнинг «Фатҳнома» асарида эса хон «Шоҳбахт» унвони билан тилга олинади [14].

Турколог В.В.Радлов ўзининг турк шеваларига оид луғатида «шой» («шай») сўзини қадимги туркий тилда «куч-қудрат» маъносини англатувчи сўз сифатида изоҳлаган [15]. Шу асосда «Шоҳибек» номи аслида «шой+бек», яъни «куч-қудрат эгаси бўлган бек» маъносидаги туркий «Шойибек» сўзининг форсий таъсирда ўзгарган шакли бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр мавжуд.

Шоир ва публицист Хуршид Даврон ўзининг «Самарқанд хаёллари» асарида форс тарихчиси Муҳаммад Козимнинг «Тарихи оламорои Нодири» асарида хон исми «Шоҳибек» эмас, балки «Шойибек» шаклида берилганига эътибор қаратади ва шу асосда «Шоҳибек»нинг аслида туркий «Шойибек» исмининг форсча бузилган шакли эканлигини тахмин қилади.

В.В.Бартольд, Ғарб тарихчиларидан Стенли Лен-Пул, П.Карпини ва П.Пеллионинг фикрларига таяниб, хоннинг асл исми мўғулча Шибон (Пеллионинг ўқишича — Сибон) бўлиб, бу Жўчининг бешинчи ўғлининг номи эканлигини, мусулмон адабиёти муаллифлари эса ўз анъаналарига кўра бу номни унга алоқаси бўлмаган арабча Шайбон шаклига ўзгартирганликларини таъкидлайди. Ушбу фикрни Аҳмад Заки Валидий Тўғон ҳам қўллаб-қувватлайди.

А.З.Валидий Тўғон ўз таҳлилида хон исми тарихий манбаларда Шайбоқ, Шоҳибек, Шоҳбахт шаклларида ёзилганини, туркча талаффузда чўзиқ «шоҳ» сўзи билан «бек» сўзининг қўшилиши натижасида «шой+бақ» тарзида талаффуз қилинишини, шу боис «Шайбоқ» сўзининг «Шоҳбахт»дан келиб чиққанлигини асослайди.

Адабиётшунос М.Тожибоев Муҳаммад Шайбонийхоннинг Истанбулдаги Топқопи саройи музейида (2436-рақам остида) сақланаётган девонидаги шеърларнинг таҳаллус тақсмотини таҳлил қилиб (266 таси — Шабоний, 65 таси — Шабон, 7 таси — Шоҳбатхон, 1 таси — Шоҳбахт таҳаллуси билан), хоннинг ўзи ва яқинлари томонидан асосан «Шабон/Шабоний» таҳаллуси қўлланилганини, шу сабабли бу шаклни тарихий жиҳатдан асосли деб ҳисоблаш лозимлигини таъкидлайди [16]. Бу тадқиқот турк олими Якуп Карасойнинг девон бўйича тадқиқотига ҳам таянади [17].

Турк тарихчиси Мустафо Кафали ҳам хон номи арабча «Шайбон» исми билан ҳеч қандай этимологик алоқага эга эмаслигини, мўғул тилида «и» товуши бўлмагани сабабли «Шибон» деб ўқилиши лозимлигини таъкидлайди [18].

Эътиборлиси шундаки, «Шайбон» (Бани Шайбон) номи ислом дунёсида мўғул шахзодаси Шибонга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган мустақил араб қабиласи номи сифатида қадимдан мавжуд бўлган. Хусусан, ҳанафий мазҳабининг йирик фақиҳи, Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфнинг шогирди Имом Муҳаммад аш-Шайбоний шу қабилага мансуб бўлган. Шунингдек, машҳур тарихчи Ибн ал-Асир ҳам тўлиқ исмида «аш-Шайбоний» нисбасини олиб юрган — бироқ бу, албатта, Бани Шайбон араб қабиласига мансублик билан боғлиқ бўлиб, мўғул шахзодаси Шибон билан ҳеч қандай тарихий алоқага эга эмас.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, айнан шу икки номнинг товуш жиҳатидан ўхшашлиги мусулмон муаллифлари томонидан мўғулча «Шибон» номининг аста-секин арабча «Шайбон» шаклига мослаштирилишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, тарихий манба муаллифлари таниш ва тушунарли бўлган арабча-исломий шаклни, унга фонетик жиҳатдан яқин бўлган нотаниш мўғулча исмга нисбатан қўллаган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган далиллар асосида хулоса қилиш мумкинки, «Шайбонийлар» атамаси тарихий жиҳатдан бир неча қатламли мураккабликка эга: биринчидан, бу ном мўғулча «Шибон» исмининг аралашган шакли бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас; иккинчидан, бу — сулоланинг барча вакилларига эмас, балки фақат битта шахсга, яъни

Муҳаммад Шайбонийхонга тегишли шахсий таҳаллус; учинчидан, сулоланинг ҳақиқий сиёсий асосчиси тарихий жиҳатдан Абулхайрхон ҳисобланади.

Шу боис айрим тадқиқотчилар томонидан тақлиф қилинаётган «Абулхайрхонийлар» атамаси тарихий аниқлик нуқтаи назаридан муайян асосга эга. Шу билан бирга, «Шайбонийлар» атамаси тарих фанида ва кенг жамоатчилик онгида аллақачон мустаҳкам ўрнашиб қолгани, шунингдек айнан Муҳаммад Шайбонийхон даврида давлатнинг Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонга ёйилиб, янги босқичга кўтарилгани ҳам инобатга олинishi лозим. Шу сабабли бу масала якуний ҳал этилган деб бўлмайди ва янада чуқур тарихий-лисоний тадқиқотларни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бартольд В.В. Сочинения // Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. Т. II, ч. 2. – М.: Наука, 1964. – С. 545–548; Анке фон Кюгельген. Легитимация Среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков. – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С. 64–67.
2. Муқимов З. Шайбонийлар давлати ва ҳукуқи (Тарихий-ҳукукий тадқиқот). – Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 19.
3. Жўраев Н. Тарих — инсон, замон ва макон фалсафаси // Ўзбекистонда хорижий тиллар илмий-методик электрон журнали. – 2017. – №3.
4. Костюков В.П. Улус Шибана Золотой Орды в XIII–XIV вв. – Казань: Фэн, 2010. – С. 84.
5. Зуев Ю.А. О формах этно-социальной организации народов Центральной Азии в древности и средневековье: Пёстрая Орда, Сотня // Военное искусство кочевников Центральной Азии и Казахстана (эпоха древности и средневековье). – Алматы, 1998. – С. 59, 94.
6. Муқимов З. Кўрсатилган асар. – Б. 15–16.
7. Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б. 242.
8. Ражабов Қ. Муҳаммад Шайбонийхон [Электрон манба]. – URL: http://fati.uz/site/download?name=1/0W68s6K4lDsd1RHfBHRZaHvr_YgKxgm7.pdf
9. Хуршид Даврон. Самарқанд хаёллари. – Тошкент. – Б. 229.
10. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 55.
11. Абулғозий. Шажараи турк. – Тошкент: Чўлпон. – Б. 113.
12. Ҳумоюннома (Гулбаданбегим). – Тошкент, 1959. – Б. 24–25.
13. Фазлаллах ибн Рузбихан Исфохани. Михман-наме-йи Бухара (Записки бухарского гостя) / Пер. Р.П.Джалиловой; под ред. А.К.Арендса. – М., 1976. – С. 61; шунингдек қаранг: Бартольд В.В. Соч. Т. II, ч. 2. – С. 545–548.
14. Биноий. Шайбонийнома (таржима фрагменти) / Кўчирма: Ражабов Қ. Муҳаммад Шайбонийхон.
15. Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. IV, ч. 1. – СПб., 1911. – С. 926.
16. Тожибоев М. [Филология фанлари номзоди, доцент] // Жаҳон адабиёти журнали. – 2007. – №12. – Б. 163.
17. Yakup Karasoy. Şıban Han Dıvanı. – Konya, 1989.
18. Кафали М. Шиван хон сулоласи ва ўзбек улуси // Атсиз армағ'ани (тўплам мақоласи).